

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2020 йил 11 декабрь

Фарғона шаҳри

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Б.Вахобов, халқ маслаҳатчилари С.Кўкиева ва С.Зайнолобидиновдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси М.Иномхоновнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори Б.Маматқулов, ҳимоячилар Д.Шарипов, Ш.Сотволдиев ва И.Саипов, судланувчилар Ж.К, С.К ва А.Р, жабрланувчининг қонуний вакили Ж.Гларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж,л,п” бандлари билан айбланганлар

Ж.К [REDACTED] туманида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тўлиқсиз ўрта, оилали, бир нафар вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2020 йил 13 июлдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан ярашув асосида тугатилган, ишламаган, [REDACTED] -хонадонда яшаган, 2020 йил 19 июлда қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 6 октябрь куни олган;

С.К [REDACTED] шаҳрида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тўлиқсиз ўрта, оилали, муқаддам жиноят ишлари бўйича Бувайда туман судининг 2020 йил 24 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан 3 йил озодликни чеклаш жазосига судланган, ишламаган, [REDACTED] -хонадонда яшаган, 2020 йил 5 августда қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 6 октябрь куни олган;

А.Р [REDACTED] шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, муқаддам жиноят ишлари бўйича Бувайда туман судининг



2020 йил 24 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан ЖКнинг 84<sup>1</sup>-моддасига асосан 1 йил озодликни чеклаш жазосига судланган, ишламаган, [REDACTED] -хонадонда яшаган, 2020 йил 5 августда қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 30 сентябрь куни олганга

оид 1-15-2003/23-сонли жиноят ишини суд мажлислари залида очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

Суд судланувчилар, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов ва суд мажлисида тўпланган далилларни, жиноят иши материалларини атрофлича таҳлил қилиб, тарафлар фикрини муҳокама қилиб, қуйидагиларни

#### А Н И Қ Л А Д И :

2020 йил 18 июль куни соат 21 ларда [REDACTED] кўчасидаги кўп қаватли 2-уй олдидаги гулзорда палос тўшаб, спиртли ичимлик ичиб, бақир-чақир тўполон қилиб ўтирган судланувчилар Ж.К, А.Р ва бошқаларга шу уйнинг 4-қаватида яшовчи Ғ.Ғ дераза ойнасидан қараб, бақир-чақир қилмасликларини айтганида, Ж.К уни сенсираб жавоб қайтариб, шаъни ва кадр-қимматини камситувчи сўзлар билан ҳақорат қилгани учун Ғ.Ғ уйдан пастга тушиб, Ж.К билан ўзаро гап таллашиб оғзаки жанжаллашиб, жанжалга А.Р ва Ж.Книнг укаси С.К ҳам келиб араллашиб, бир гуруҳ бўлганлари ҳолда А.Р ҳар доим ёнида олиб юрадиган пичоғини Ж.Кга берганида, безорилик оқибатида онасини ҳақорат қилганини баҳона қилиб, шу пичоқ билан Ғ.Ғни ҳаёти учун муҳим аъзолари жойлашган қорин соҳасига бир марта қасддан уриб, Ғ.Ғнинг опаси Ж.Г, укаси З.Ғ, турмуш ўртоғи Д.М ва бошқа шахсларнинг аралашувчи натижасида ҳаракатини давом эттира олмай қолганидан сўнг, С.К А.Р унга “олинг ака, тикинг” деб берган пичоқ билан Ғ.Ғни ҳаёти учун муҳим бўлган кўкрак соҳасига бир марта қасддан уриб, Миллий Гвардия ва ички ишлар ходимлари келиб қолгани сабабли акаси Ж.К билан воқеа жойидан яшириниб, пичоқ билан яширинмоқчи бўлган А.Р ички ишлар ходими томонидан ушланган, Ғ.Ғ эса шифохонада кўрсатилган тиббий ёрдамга қарамасдан 2020 йил 3 август куни қорин ва кўкрак соҳасига пичоқ билан етказилган жароҳатлардан вафот этган.

Судланувчи Ж.К судда, айбига қисман иқрорлик билдириб, 2020 йил 18 июль куни тушлик пайтида яшаш уйи орқа томонида укаси С.К, кўшнилари А.Р, Ж.И, О.И ва кўпчилик бошқа кўшнилари билан бир-бирларига сув сепиб ўйнашаётган вақтида келиб қолган кўшнисини Ғ.Ғга ҳам сув сепганида, уни бир оз жаҳли чиққани, кечки пайт ўртоқлари билан уйи олдидаги гулзорда палос тўшаб пиво ичиб, бақир-чақир қилиб кулишиб ўтиришганида, Ғ.Ғ тўртинчи қаватдаги уйи деразасидан қараб, уларни “хотин



қули” деб ҳақорат қилгани учун уни ҳам “хотин қули” деб айтгани, Ғ.Ғ буни жиддий қабул қилиб уйдан пастга тушиб келиб, уни яна ҳақорат қилгани, акаси И.К ва Ғ.Ғнинг укаси З.Ғ келиб уларни ажратишгани, лекин Ғ.Ғ ҳаммани йиғиб, яна онасидан келиб сўкиб ҳақорат қилиб, пичоқ билан ташлангани сабабли шок ҳолатига тушиб, кўрққанидан атрофдагилардан пичоқ беришларини сўраб, ёнида турган белидан пичоқ олаётган А.Рни қўлидан пичоқни тортиб олиб, Ғ.Ғни тўхтатиш ва ундан ҳимояланиш мақсадида пичоқ билан оёғига урмоқчи бўлганида, пичоқ беҳосдан уни қорнига кириб кетгани, Ғ.Ғ қорнига пичоқ кирганини сезмасдан яна унга ташланишни давом эттиргани учун ўзини ҳимоя қилиш мақсадида унга яна бир марта пичоқ ургани, Ғ.Ғга фақат у икки марта пичоқ ургани, укаси С.К Ғ.Ғни пичоқлаб бўлганидан сўнг келгани, акаси И.К юзига бир неча марта шапалоқ уриб, тинчлантиришга ҳаракат қилгани, шифохонага олиб кетилаётган Ғ.Ғдан аҳволини сўраганида, у қўли билан яхши ишорасини кўрсатгани, укаси С.К билан Ж исмли ўртоғини уйига боргани, Ғ.Ғни ўлдириш мақсади бўлмагани, А.Р уни Ғ.Ғга пичоқ тикишга ундамагани, А.Рда пичоқ борлигини олдиндан билмагани ҳақида кўрсатув бериб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, Ж.Ғдан кечирим сўраши, оилавий шароити, қарамоғидаги бир нафар вояга етмаган фарзанди қолаётганини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи С.К судда, айбига иқдорлик билдирмасдан, 2020 йил 18 июль куни соат 14 ларда акаси И.К ва жияни И.■■■■ билан чўмилишга боргани, акаси у ерда пиво ичиб ўтирган Ғ.Ғ билан бирга қолиб кейинроқ келгани, чўмилишдан қайтиб келиб уйнинг орқа томонида бир-бирларига сув сепиб уйнаётган қўшниларига қўшилиб бирга ўйнашгани, орқасидан етиб келган акаси И.К билан Ғ.Ғ ҳам сув сепиб ўйнашгани, кейин ўртоғи Ж.И билан нарда ўйнагани, нарироқда гулзорда акаси Ж.К қўшниси О.И ва бошқалар билан ўтиришгани, кейин Миллий Гвардия ходимлари келиб карантин қоидаларига риоя қилишлари ҳақида огоҳлантиргани сабабли уйига кириб ювиниб, ташқарига қайтиб чиқиб бақир-чақир бўлаётганини кўриб, онасидан нима бўлаётганини сўраб, акаси Ж.Книнг қўлидаги қонни кўриб, уни бирор кимса пичоқлаган деб ўйлаб югуриб олдига боргани, З.Ғ орқасидан ғишт отгани учун у ҳам унга қарата отган ғишти Миллий Гвардия хизмат автомашинаси ғилдирагига теккани, онаси акаси Ж.Кни у ердан олиб кетишини айтгани учун акасини уйнинг орқа томони билан олиб кетиб, ундан нима бўлганини сўраганида, Ғ.Ғ билан урушиб кетиб, уни пичоқлаб қўйганини айтгани, акасининг Ж исмли ўртоғини уйига боришгани, Ғ.Ғга пичоқ урмагани, А.Р турмуш ўртоғининг синфдоши бўлгани учун у билан яхши муносабатда бўлгани ҳақида кўрсатув бериб, айби йўқлиги сабабли оқлов ҳукми чиқаришни сўради.

Судланувчи А.Р судда, айбига иқдор бўлмасдан, 2020 йил 18 июль куни тушликдан сўнг таниши С.Книнг олдига бориб, уйнинг орқа томонида акаси Ж.К ва бошқа кўпчилик қўшнилари билан бир-бирларига сув сепиб ўйнашгани, кейин Ж.К, Ж.И ва О.И билан бирга уй олдидаги гулзорда пиво ичиб ўтиришгани,



мева-сабзавотга ишлатиш учун ҳар доим ёнида пичоқ олиб юргани, улардан нарироқда нарда ўйнаётган С.К ва Ж.Ини ўйинини бир оз томоша қилиб, сўнг М.Днинг уйига кириб таниши Ф билан гаплашиб ўтиргани, подъезд зинасида белидаги пичоғи тушиб кетганини кўрган Ғ.Ғ нима сабабдан пичоқ олиб юргани, бундан кейин ёнида пичоқ олиб юрмаслигини айтгани, кечки пайт ташқарида бўлаётган бақир-чақир овозини эшитиб югуриб пастга тушиб, подъездга кириш йўлаги олдида Ғ.Ғ Ж.Кга пичоқ билан ташланаётганини кўргани, Ж.К ундан пичоқ сўрагани учун белига қистириб олган пичоғини олаётганида, у пичоғини кўлидан тортиб олгани, шу пайт одам кўпайиб кетгани учун Ж.К Ғ.Ғга пичоқ урганини кўрмай қолгани, И.К келиб укаси Ж.Кни юзига тарсаки уриб тинчлантиргани, у Ж.Кни кўлидан пичоқни олиб қўйгани, қочгани учун ички ишлар ходими орқасидан қувлаб ушлагани, жанжал пайтида С.Кни кўрмагани, Ғ.Ғнинг собиқ турмуш ўртоғи Ф билан яқин муносабатда бўлгани сабабли Ғ.Ғ уни 1-2 марта шу масалада сўкиб ҳақорат қилгани, уни ёши катта бўлгани сабабли индамай кетгани, С.Кни эса Ғ.Ғни шифохонага олиб кетишаётган пайтда кўргани, Ж.Кга “пичоқни тик” деб айтмагани, Ғ.Ғни ўлдириш учун олдиндан режа тузишмагани ҳақида кўрсатув бериб, айби йўқлиги сабабли адолатли ҳукм чиқаришни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили Ж.Г судда, 2020 йил 18 июль куни тушлиқдан сўнг уйи олдида кўшнилари бир-бирларига сув сепиб ўйнашгани, шу куни кечга яқин кўшнилари На■■■■ ва А■■■■ билан уй олдидаги сўрида гаплашиб ўтирганида, укаси Ғ.Ғ қизидан хабар олиб келиб уйига кириб кетгани, нарироқда гулзорда кўшнилари Ж.К, Ж.И, А.Р ва бошқалар спиртли ичимлик истеъмол қилиб, бақир-чақир тўполон қилиб ўтиришганида, укаси Ғ.Ғ уларга ойнадан қараб бақир-чақир қилмасликларини айтгани, Ж.К уни сўкиб ташлагани учун укаси уни олдида тушиб келиб гап талашиб жанжаллашганида, Ж.Книнг акаси И.Кни уларни ажратиш учун чақиргани, Ж.Книнг онаси ва холаси ҳам воқеа жойига келишгани, укаси Ғ.Ғ турмуш ўртоғи Д.Мни ўртага олиб уришаётган Ж ва С■■■■ Книнг турмуш ўртоқларига урмасликларини айтиб турганида, Ж.К келиб кўлидаги пичоқ билан укасини қорнига ургани, И.К укаси Ж.Кни тўхтатиб, юзига шапалоқ ургани, укаси Ж.Кга уни пичоқлаб қўйганини айтиб турганида, С.К келиб уни итариб юборгани, зинани олдида турган А.Р “олинг ака, тикинг” деб, С.Кга яна битта пичоқ берганини эшитгани, С.К келини Д.Мни ҳам тепгани, шундан кейин Миллий Гвардия ва ички ишлар ходимлари келиб, укаси Ғ.Ғни шифохонага олиб кетишгани ҳақида кўрсатув бериб, судланувчилар Ж.К, С.К ва А.Рга нисбатан моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича даъвоси йўқлигини билдириб, уларга энг оғир жазо тайинлашни сўради.

Гувоҳ Д.М судда, 2020 йил 18 июль куни соат 20 ларда турмуш ўртоғи Ғ.Ғ кўчадан уйга келиб, ташқарида бўлган бақир-чақир тўполон овозини эшитиб, деразадан уй олдидаги гулзорда спиртли ичимлик ичиб ўтирган Ж.К, А.Р ва Ж.Иларга қараб “ҳа Жаҳон, нима бўляпти” деб айтганида, у сенсираб “тепада туриб нима деяпсан хотин қули, эркак бўлсанг пастга туш” деб уятли



сўзлар билан ҳақорат қилганида, турмуш ўртоғи уйдан пастга тушиб ундан ёши катталиги, нима сабабдан уни хотин қули деб ҳақорат қилганини айтиб, ўзаро оғзаки жанжаллашиб кетишгани, Ж.К турмуш ўртоғини уятли сўзлар билан яна ҳақорат қилганида, у ерга келган унинг акаси И.К турмуш ўртоғига “нима қияпсиз ака” деб сўраганида, турмуш ўртоғи укасини тартибга чақиришини айтгани, И.К сўкинаётган укаси Ж.Кни олдида бориб юзига бир-икки тарсаки ургани, Ж.К ёнидаги шериклари А.Р ва бошқалар билан турмуш ўртоғига ташланишгани, югуриб келиб турмуш ўртоғига ташланган Ж.Книнг укаси С.Кни футболкаси орқа ёқасидан ушлаб қолмоқчи бўлганида, К Ж ва Снинг турмуш ўртоқлари уни сочидан тортиб йиқитиб уриб ташлашгани, ўғли ва овсини Н.У уларни чангалидан чиқариб олгани, шу пайт турмуш ўртоғининг қорин соҳасини қон ҳолатда кўргани, А.Р С.Кга “мана олинг ака, тиқинг” деб айтганида, С.К турмуш ўртоғига ташланиб қайтганида, уни кўлидаги пичоқни қонлигини кўргани, қайнсинглиси Ж.Г С.Кга “вой, укамни единг” деб бақариб юборгани, воқеа ҳолати тез содир бўлгани, аёллар уни уриб-дўппослашгани учун турмуш ўртоғига Ж.К пичоқ урган ҳолатини кўрмай қолганини кўрсатди.

Гувоҳ Н.У судда, 2020 йил 18 июль куни кечки пайтга яқин уйда бўлганида дераза очиқ бўлгани сабабли ташқарида уй олдидаги гулзорда палос тўшаб ўтирган Ж.К билан тўртинчи қаватда яшовчи қайноғаси Ғ.Ғ ўзаро гап таллашиб кетишгани, Ж.К қайноғасини сенсираб, уйдан пастга тушишни айтгани учун қайноғаси пастга тушгани, уни орқасидан овсини Д.М, у ҳам тушгани, Ж.К ва қайноғаси оғзаки гап таллашиб, юзма-юз яқинлашиб муштлашиш даражасига келишгани, қайноғаси Ж.Кга далага бориб уришишни айтганида, И.К укаси Ж.Кни, турмуш ўртоғи З.Ғ эса қайноғасини қучоқлаб нарироққа олиб кетишгани, кейин Ж.К ва Ғ.Ғ подъезд эшиги олдида яна бир-бирига яқинлашган ҳолда жанжаллашиб, гап таллашиб туришганида, овсини Д.М у ерга А.Р билан югуриб келиб жанжалга араллашиб, қайноғасига мушт отган Ж.Книнг укаси С.Кни футболкаси орқа ёқасидан ушлаб тўхтатмоқчи бўлганида, К Ж ва Снинг турмуш ўртоқлари овсинини сочидан тортиб, ерга йиқитиб уриб-дўппослашгани, шу пайт А.Р Ж.Кга индамай пичоқ берганини кўргани, овсинини ажратиш билан овора бўлгани сабабли Ж.К қайноғасига пичоқ урган ҳолатини кўрмай қолгани, С.К А.Р унга “мана олинг ака, тиқинг” деб берган пичоқни олиб қайноғасини кўкрак соҳасига урганида, қайнсинглиси Ж.Г С.Кга “вой, нима қилдинг” деб бақиргани, Миллий Гвардия ходимлари келишгани, О.И С.Кучимовни кўлидаги пичоқни олиб, воқеа жойидан қочиб кетгани, А.Р ҳам иккинчи пичоқни олиб қочганида, ички ишлар ходими билан уни орқасидан қувлаб ушлашгани, А.Р светофор олдида етганида кўлидаги пичоқни ариққа улоқтиргани, ички ишлар ходими ариқдан пичоқни олиб ҳужжатлаштирганини кўрсатди.

Гувоҳ Д.Н судда, Ғ.Ғ билан ака-сингилдек яқин муносабатда бўлгани, 2020 йил 18 июль куни кечки пайт кўчага сув олиш учун чиқиб, уйи олдида кўшнилари билан гаплашиб турганида, гулзорда А.Р, Ж.И ва бошқалар билан спиртли ичимлик ичиб ўтирган Ж.К тўртинчи қаватдаги уйи деразасидан қараган Ғ.Ғни пастга ароқ ичиш учун чақиргани, Ғ.Ғ уйда болалари билан



Ўтирганини айтганида, Ж.К хотин қули бўлмасдан пастга тушишини айтгани учун улар ўзаро гап таллашиб кетишгани, Ж.К уятли сўзлар билан ҳақорат қилгани учун Ғ.Ғ жаҳли чиқиб пастга тушиб, у билан гап таллашиб жанжаллашиб кетгани, Ж.К ажратаётган акаси И.Кни кўлидан чиқиб, подъезд эшиги олдида турган Ғ.Ғни дастлаб қўли билан ургани, кейин А.Р унга “эркакмисиз, тикинг” деб берган пичоқ билан уни қорнига бир марта ургани, кейин С.К А.Рдан олган пичоқ билан Ғ.Ғни кўкрагига урганини кўрсатди.

Гувоҳ З.Ғ судда, 2020 йил 18 июль куни кечки пайт уйи олдидаги гулзорда 2-3 нафар шериклари билан спиртли ичимлик ичиб, бақир-чақир тўполон қилиб ўтирган қўшниси Ж.Кга акаси Ғ.Ғ тўртинчи қаватдаги деразасидан қараб, “ха Ж.К” деб айтганида, Ж.К акасини сенсираб “ол афтингни” деб қўпол муомалада бўлгани сабабли акасини жаҳли чиқиб, пастга тушиб келиб Ж.К билан гап таллашиб кетгани, Ж.Книнг акаси И.К келиб унга акасига ёмон муомала қилмаслигини тушунтиргани, атрофда одамлар кўпайиб жанжал катталлашиб кетаётгани сабабли акасини уйига олиб кириш учун подъезд эшиги томон олиб боргани, И.К ҳам укаси Ж.Кни нарироққа тортгани, подъезд эшиги ёнида келинойиси Д.Мни К Ж, И ва Снинг турмуш ўртоқлари сочидан ушлаб ерга йиқитиб уриб ташлашганида, турмуш ўртоғи Н.У иккаласи уларни ажратиш билан овора бўлиб қолгани сабабли акасига кимлар пичоқ урганини кўрмай қолгани, акаси пичоқланганидан сўнг ўша ерда Ж.К ва С.Кни қўлларида пичоқ ушлаб турган ҳолатда кўргани, воқеа жойидан қочган А.Рни орқасидан ички ишлар ходими қувлаганини кўрсатди.

Гувоҳ О.Ғ судда, 2020 йил 18 июль куни кечга яқин уйи олдида юк машинасидан тарвуз тушуриб уйига ташиётганида, қўшниси Ж.К 3-4 нафар йигитлар билан уй олдидаги гулзорда ўтиришганини кўргани, шу пайт подъезд эшигидан амакисининг ўғли Ғ.Ғни жаҳли чиққан ҳолда ташқарига чиқаётганини кўриб, ундан нима бўлганини сўраганида, жавоб бермасдан кетгани сабабли уни орқасидан боргани, Ғ.Ғ Ж.К билан гап таллашиб кетгани, у ерда О.И, Ж.И, Иқбол, А.Р ва С.К бўлгани, Ж.К Ғ.Ғга сўкинганида, уларга тўғри гаплашишларини айтгани, лекин улар гапига кулоқ солмагани, А.Рни С.Кга яширинча нарсга бераётганини кўриб қолгани учун уни “йўқол бу ердан” деб ҳайдаганида, Иқбол олдида келиб уларни ишига аралашмаслиги, А.Р шу ерда юришини айтгани, келинойиси Д.М подъезд эшиги олдида турган Ғ.Ғни урмоқчи бўлиб ташланган С.Кни ушлаб тўхтатмоқчи бўлганида, К Ж ва Снинг турмуш ўртоқлари келинойисини сочидан тортиб, ерга йиқитиб уриб-дўппослашгани, Ж.К Ғ.Ғга эртага гаплашишларини айтгани, у аёлларини йиғиштиришини айтганида, Ж.К Ғ.Ғга қўл отиб қайтариб олаётганида кўлидаги пичоғини қон ҳолатда кўргани, Ғ.Ғни қорни қон ҳолатда эканлигини кўриб, Ж.Кга нима қилиб қўйганини айтганида, у аралашмаслигини айтгани, шунда Ж.Г С.Кга “аканг пичоқ тикди, энди сен ҳам пичоқладингми” деб бақирганида, С.К Ж.Гни қорнига тепиб юборгани, шу пайтда Ғ.Ғ жим бўлиб қолгани, уни шифохонага олиб боришганини кўрсатди.

Гувоҳ Ж.М судда, 2020 йил 19 июль куни кечаси соат 01.30 ларда ўртоғи Ж.К кўнғироқ қилиб манзилини айтиб, уни олиб кетишини



айтганида, Қўқон шаҳар ■■■■■ мевзесига бориб озгина маст ҳолатда бўлган ўртоғи Ж.Кни уйига олиб келгани, Ж.К Ғ исмли қўшниси билан жанжаллашиб кетиб, уни пичоқлаб қўйганини айтгани, Ж.Кга кимдир қўнғироқ қилиб, Ғнинг укаси З қўлига пичоқ олиб укаси С.К ва бошқаларни қувлаб юрганини айтгани учун укаси С.Кни ҳам уйига чақиришгани, шу куни соат 02 ларда С.К ҳам уйига келгани, эртаси куни ўртоғи Ж.Кни онаси келиб уларни ички ишлар бўлимига олиб кетганини кўрсатди.

Гувоҳ М.Д судда, 2020 йил 18 июль куни соат 19 ларда уйда фарзандлари ва қўшниси Ф билан ўтиришганида ташқарида бўлган бақир-чақирни эшитиб, деразадан қараганида, уй олдидаги гулзорда турган Ж.К билан Ғ.Ғ 4-қаватидаги уйи деразасидан қараб бир-бирларини сўкиб, ҳақорат қилишаётганини кўргани, А.Р пастга тушиб кетгани, у ҳам пастга ўғлини ахтариб тушганида, подъезд эшиги олдида Ж.К ва Ғ.Ғнинг оиласидаги аёлларни бир-бирлари билан жанжаллашаётганини, Ж.Кни акаси И.К юзига уриб тинчлантираётганини кўргани, кимдир “пичоқ еди” деб бақирганини кўрсатди.

Гувоҳ И.К судда, 2020 йил 18 июль куни соат 21 ларда ■■■■■ кўчасидаги 2-уйнинг орқа томонида автомашинаси олдида турганида Ж.Г келиб, уйнинг олди томонида укалари Ғ.Ғ ва Ж.К бир-бири билан жанжаллашаётганини айтгани учун уйни олдида ўтиб, Ғ.Ғ билан жанжаллашаётган укаси Ж.Кни юзига

2-3 шапалоқ ургани, у ерда О.Ғ ва бошқалар ҳам бўлгани, шунда аёллар бир-бирлари билан юлишиб жанжаллашиб кетишгани, Ғ.Ғни қўлидан ушлаб подъездга олиб кирганида, уни қорнидаги жароҳатидан қон оқаётганини кўргани, лекин унга ким пичоқ урганини кўрмагани, Ғ.Ғни подъезддан олиб чиқаётганида иккинчи укаси С.Кни кўриб, унга укаси Ж.Кни у ердан олиб кетишни айтганини кўрсатди.

Гувоҳ Б.А судда, судланувчилар Ж.К ва С.Книнг ҳоласи бўлиши, 2020 йил 18 июль куни кечки соат 20 ларда Ж.К, Ж.И ва О.Ини уйи олдидаги гулзорда палос тўшаб ўтиришганини кўргани, сўнг бақир-чақирни эшитиб кўчага чиққанида, Ғ.Ғ билан Ж.К бир-бирини ҳақорат қилишгани, И.К укаси Ж.Кни юзига 1-2 шапалоқ ургани, улар маст бўлишгани, орада кимдир Ғ.Ғга пичоқ уришганини айтгани, Ж.К, С.К, Ғ.Ғ ва З.Ғнинг турмуш ўртоқлари тарафма-тароф бўлиб уришиб кетишгани, йиқилиб тушган синглисини урди деб ўйлаган жияни Ж.К югуриб келиб Ғ.Ғга ташлангани, И.К ва қўшниси Жа■■■■■ Ғ.Ғни икки ёнидан ушлаб Миллий Гвардия хизмат автомашинасига чақаришгани, шу пайт жияни С.К югуриб келиб нима бўлганини сўраганида, синглиси Б.Ж жияни Ж.К Ғ.Ғни пичоқлаб қўйганини айтгани, шу пайт С.К ва З.Ғ бир-бирлари билан жанжаллашиб кетишгани, синглиси С.Кга Ж.Кни у ердан олиб кетишини айтгани, жанжал пайтида А.Рни Ж.К ёки С.Кга пичоқ берганини кўрмагани, лекин А.Рни овозини танигани учун уни “уринг ака, урмасез мен ураман” деб бақирганини эшитганини кўрсатди.

Гувоҳ Б.Ж судда, 2020 йил 18 июль куни соат 21 ларда ухлаётган жойидан келини Э.А кўчада жанжал бўлаётганини айтиб уйғотганида кўчага чиқиб, 2-уйнинг кириш эшиги олдида қўшнилари Ғ.Ғ, З.Ғ, О.Ғ, Ж.Г ва М.Дни,



ўғли И.К укаси Ж.Кни юзига уриб тинчлантираётганини кўргани, ўзи ҳам ўғли Ж.Кни тинчлантирмоқчи бўлгани, лекин у гапларига кулоқ солмагани, кўшниси Са [REDACTED] ўғли Ж.Кни тинчлантириб олиб кетгани, келини Э.А ўғлини орқасидан сўкиб ҳақорат қилган Ж.Г билан жанжаллашиб кетганида бу жанжалга кўпчилик аёллар араллашиб кетишгани, соғлиги ёмонлашиб ўтириб қолганида, ўғли Ж.К қайтиб келиб Ғ.Ғга ташлангани, ўша ердагилар “Ж пичоқ урди” деб бақириб юборишгани, шу пайт келган кичик ўғли С.Кга акаси Ж.Кни олиб кетишини айтгани, А.Р воқеа жойидан қочиб кетгани, Ғ.Ғни шифохонага олиб кетишгани, жанжал пайтида А.Рни З.Ғ билан сўкишиб турганини кўргани, кичик ўғли С.К воқеа жойига Ғ.Ғ пичоқланиб бўлганидан сўнг келгани, С.К Ғ.Ғга пичоқ урмаганини кўрсатди.

Гувоҳ Э.А судда, 2020 йил 18 июль куни соат 21 ларда уйи олдидаги гулзорда ўртоқлари билан пиво ичиб ўтирган турмуш ўртоғи Ж.К тўртинчи қаватда яшовчи кўшниси Ғ.Ғ билан жанжаллашиб кетгани сабабли қайнонаси Б.Жни уйғотиб чиққани, қайноғаси И.К турмуш ўртоғини ажратгани, Ғ.Ғ турмуш ўртоғига далага бориб уришишни айтганида, улар яна гап таллашиб кетишгани, воқеа жойида тўпланган одамлар Ғ.Ғ пичоқланганини айтиб, бақириб юборишгани, А.Рни жанжалда кўрмагани, лекин уни овозини танигани учун уни “уринг ака, урмасез мен ураман” деб бақирганини эшитганини кўрсатди.

Гувоҳ С.Э судда, жанжал бўлаётган пайтда турмуш ўртоғи С.К хаммомда бўлгани, жанжални овозини эшитиб турмуш ўртоғи билан кўчага чиққан вақтида Ғ.Ғни шифохонага олиб кетишгани, қайнонаси турмуш ўртоғига қайноғаси Ж.Кни у ердан олиб кетишини айтгани, З.Ғ сўкингани, Д.М турмуш ўртоғига ташлангани учун уни кўлидан тортгани, Ж.Г, Н.У ва Д.М унга ташланишгани учун улар билан юлишиб кетишгани, Ғ.Ғни ўғли кўлида пичоқ билан келиб “дадамга нима қилдиларинг” деб айтганини кўрсатди.

Гувоҳ Н.Ш судда, 2020 йил 18 июль куни соат 21 ларда турмуш ўртоғи кўчага чиқиб келиб, жанжал бўлаётганини айтгани учун подъезд эшиги ёнидаги ойнадан ташқарига қараганида, кўшниси Ғ.Ғга бақираётган Ж.Кни акаси И.К ажратаётганини кўргани, Ғ.Ғни олдида З.Ғ ва О.Ғ бўлгани, кўшниси Р [REDACTED] ака ҳам уришмаслигини айтиб, Ж.Кни кўлидан тортгани, биринчи Ж.К кўлидаги пичоқ билан Ғ.Ғни уриб, подъездга кириш эшиги олдидаги суппадан пастга тушгани, Ж.Кни кўлидаги пичоқни О.И олиб яшириб келгани, Ғ.Ғ хатто пичоқланганини ҳам сезмай қолгани, С.К ва Ғ.Ғ бир-бирларига бақиршиб, С.К пичоқ билан уни қорни атрофига уриб, бақириб юборган Ж.Ғни қорнига тепгани, жанжални бошидан охиригача кузатиб туриб, тугаганидан сўнг воқеа жойидан оёқ кийимларни олинишида холис сифатида иштирок этгани, жанжалда кўпчилик бўлгани учун А.Рга эътибор бермагани, Ғ.Ғни кўлида пичоқ кўрмаганини кўрсатди.

Гувоҳ О.И судда, 2020 йил 18 июль куни соат 20 ларда кўшнилари Ж.К, А.Р, Ж.И ва Иқбол билан 2-уйнинг олдидаги гулзорда палос тўшаб, пиво ичиб ўтиришганида, Ж.К тўртинчи қаватдаги деразадан қараган Ғ.Ғ билан “хотин кули” деб хазиллашиб, сўнг ўзаро жиддий қабул қилиб, гап таллашиб



кетишгани, Ғ.Ғ пастга тушиб келиб Ж.К билан жанжаллашиб, сўқинишиб кетишгани, И.К ва З.Ғ уларни ажратишгани, эпилепция касаллиги борлиги сабабли жанжал кўринмайдиган жойга бориб тургани, Ғ.Ғга ким пичоқ урганини кўрмагани, С.Кни эса кўрмаганини кўрсатди.

Гувоҳ М.А судда, Кўқон шаҳар ИИО ФМБ ППХ жамоат тартибини сақлаш бўлимида сафдор вазифасида ишлаши, 2020 йил 18 июль куни Миллий Гвардия ходимлари билан ҳамкорликда ҳудудларни назорат қилиб юришганида, Б кўчасидаги 2-уйнинг олдида жуда кўп одамлар тўпланиб турганини кўриб тўхтаб, оломон ичига кириб, бўлаётган жанжални бостиришни имкони бўлмагани сабабли ёрдамга кўшимча куч чақиргани, одам кўплигидан кимлар жанжаллашаётганини аниқлай олмагани, шериклари ёрдамга келишгач жанжални бостиришгани, аёллар подъезд ичкарасида пичоқланган шахс борлиги, тез ёрдам чақириш кераклигини айтишганида, жароҳатланган Ғ.Ғни хизмат автомашинасида шифохонага жўнатишгани, воқеа жойида маст ҳолатда қўлида қон доғли пичоғи бўлган А.Рдан пичоғини ерга ташлашини талаб қилганида, у талабига бўйсунмасдан пичоқ билан унга таҳдид қилиб ўқталганида, резина таёғи билан унинг қўлига ургани, воқеа жойидан қочган А.Рни орқасидан қувлагани, у қочаётиб йўл четидаги ариққа қўлидаги пичоқни ташлаб юборгани, А.Рни кўча бошидаги светофор ёнида ушлаб, ариқ олдида олиб келгани ва фонар ёруғида ариқдан пичоқни қидириб топиб олганини кўрсатди.

Судга оид тиббий экспертизаси Ғ.Ғни ўлими кўкрак қафаси олд юзаси юқори қисми чап томони кўкрак бўшлиғига тешиб ўтиб, чап ўпкани ва юрак ҳалтасини жароҳатлаган, қорин олд деворида қорин бўшлиғига тешиб ўтиб катта чарвини, ингичка ичак тутқичи ва ингичка ичакни жароҳатлаган санчилган-кесилган яраларининг асоратида ривожланган ўпкаларни икки томонлама димланган зотилжами фонида юзага келган тромбоз оқибатидаги ўпка артериясини тромбоэмболияси натижасида содир бўлгани ҳақида хулоса берган.

Судланувчилар Ж.К, С.К ва А.Рнинг айблари бундан ташқари воқеа жойини кўздан кечириш, нарсани олиш ва кўздан кечириш, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш, юзлаштириш баённомалари, судга оид биологик ва криминалистика экспертизаси хулосалари, фотосуратлар ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланади.

Суд судланувчилар Ж.К, А.Р ва С.Книнг Ж.К Ғ.Ғ билан якка ўзи жанжаллашиб, унга икки марта пичоқ ургани, С.К воқеа жойига жанжал тугаганидан сўнг келгани ҳақидаги важлари жабрланувчининг қонуний вакили Ж.Г, гувоҳлар Н.Ш, Д.М, Н.У, Д.Н, З.Ғ ва О.Ғнинг суддаги ишнинг ҳақиқий ҳолатига мос келган ишончга сазовор кўрсатувлари билан рад қилингани сабабли, уларнинг шу важлари Ж.Книнг жавобгарлигини енгиллаштириш, С.Кни жавобгарликдан озод қилиш учун ўйлаб топган важлари деб баҳолайди.

Шунингдек, суд гувоҳлар И.К, Б.А, Б.Ж, Э.А, Ж.И ва С.Энинг суддаги судланувчи С.К жанжал пайтида воқеа жойида бўлмагани, Ғ.Ғ пичоқланганидан сўнг келиб Ж.Кни олиб кетгани ҳақида берган



кўрсатувларини муҳокама қилиб, улар С.Книнг яқин қариндошлари, яъни И.К акаси, Б.Ж онаси, С.Э турмуш ўртоғи, Б.А ҳоласи, Э.А келинойиси, Ж.И амакиваччаси бўлгани сабабли, келгусида қариндош-уруғчиликни сақлаб қолиш ва С.Кни жиноий жавобгарликдан озод қилиш мақсадида берилган ноҳолис кўрсатувлар деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори 16-бандида, безорилик оқибатида, яъни жамиятга ва умумэтироф этилган ахлоқ қоидаларига рўй-рост ҳурматсизлик замирида содир этилган (масалан, ҳеч бир сабабсиз ёки арзимаган сабаб туфайли) қасддан одам ўлдириш ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг “л” банди билан квалификация қилиниши лозимлиги, бунда айбдорнинг феъл-атворида жамоат тартибига ошқора бўйсунмаслик, атрофдагиларга нисбатан ўзини қарши қўйиш, беписандлик намоёйиш этиш истаги мавжуд бўлиши, бу ҳолда айбдорнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 277-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмаслиги;

20-бандида, жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиб, уни ҳаётдан маҳрум қилиш жараёнида бевосита иштирок этган икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисми “п” банди билан квалификация қилиниши, бунда ўлимга сабаб бўлган шикаст иштирокчиларнинг ҳар бири томонидан етказилган бўлиши шарт (масалан, иштирокчилардан бири жабрланувчининг қаршилигини бартараф этиб, уни ўзини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум этган, бошқаси эса, унга ҳалок этувчи шикаст етказган) эмаслиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Дастлабки тергов органи И.К, С.К ва А.Рнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “л,п” бандлари билан тўғри квалификация қилган. Бироқ, тергов органи И.К, С.К ва А.Рнинг Ғ.Ғни яқин қариндошлари кўз ўнгида ўта шафқатсизлик билан ўлдирганликда айблаб, уларнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди билан квалификация қилиб, хатога йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасига мувофиқ иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текширилиб, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оклайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори 12-бандида қасддан одам ўлдириш жиноятини ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди билан квалификация қилишда айбдорнинг қасди ўта шафқатсизлик билан одам ўлдиришга қаратилган бўлганлигини аниқлаш шартлиги, ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш усулларига, жумладан ҳаётдан маҳрум этишдан олдин ёки қотиллик содир этиш жараёнида жабрланувчини қийноққа солиш ёки унга қаттиқ азоб етказиш билан боғлиқ



(кучли оғриқ берувчи захардан фойдаланиш, тириклайин ёқиб юбориш, узок муддат овқат, сув бермаслик) ҳолларни ҳам киритиш мумкинлиги, баданга кўплаб шикаст етказиш орқали одам ўлдириш, фақат айбдор буни жабрланувчига қаттиқ азоб - уқубат етказишга қаратилган тўғри қасд билан содир этган бўлса, ўта шафқатсизлик кўриниши, деб баҳоланиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ишдаги ҳолатларга кўра, Ғ.Ғни ўта шафқатсизлик билан ўлдирилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас, аниқланган ҳолатларга кўра Ж.К ва қўшниси Ғ.Ғ арзимаган сабабларга кўра гап таллашиб жанжаллашиб кетиб, жанжалга А.Р ва С.К келиб араллашиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, бир гуруҳ бўлганлари ҳолда А.Р ҳар доим ёнида олиб юрадиган пичоғини Ж.Кга берганида, Ж.К онасини ҳақорат қилганини баҳона қилиб, шу пичоқ билан Ғ.Ғни қорин соҳасига бир марта қасддан уриб, бошқа шахсларнинг аралашувчи натижасида ҳаракатини давом эттира олмай қолганидан сўнг, С.К А.Р унга “олинг ака, тиқинг” деб берган пичоқ билан Ғ.Ғни кўкрак соҳасига бир марта қасддан ургани Ғ.Ғни қасддан ўлдириш мақсадида қилинган ҳаракатлар эканидан далолат бериб, ўта шафқатсизликни намоён этмайди.

Бундай ҳолатда Ж.К, С.К ва А.Рнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди билан малакалаб бўлмайди.

Шу сабабли, суд Ж.К, С.К ва А.Рнинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” бандини чиқаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Ж.Кга жазо тайинлашда қилмишидан пушаймон бўлиб, жабрланувчининг қонуний вакилидан кечирим сўрагани, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, қонун доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни;

судланувчи С.Кга жазо тайинлашда ёш оилалардан бири ҳисобланиб, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини инобатга олиб, қонун доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, аввалги ҳукм билан тайинланган 3 йил озодликни чеклаш жазосини қисман қўшиш йўли билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида жазо тайинлашни;



судланувчи А.Рга жазо тайинлашда ёшлиги, оилавий шароити, жиноятни содир этишдаги ролини инобатга олиб, қонун доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, аввалги ҳукм билан тайинланган 1 йил озодликни чеклаш жазосини қисман қўшиш йўли билан инобатга олиб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида жазо тайинлашни лозим топди.

Суд, ашёвий далиллар тақдирини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ҳодиса жойидан олинган 3 дона пичоқ, 2 дона пичоқ қини, 5 дона пиёла ва бакал, бир жуфт туфли, 2 дона чап пой ва 2 жуфт тапочкалар, кўзойнак, суртма, елим идиш ва қон намуналарини, Ж.К, С.К, А.Р ва И.Кга тегишли кийим-кечакларни уларнинг илтимосига асосан йўқ қилишни, Ғ.Ғга тегишли 3 дона кийим-кечакларни қонуний вакили Ж.Ғга қайтаришни, 3 дона DVD дисклар жиноят ишига қўшилгани сабабли ишда қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 462-463, 465-468 ва 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Ж.К, С.К ва А.Рнинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди чиқарилсин.

Ж.К Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “л,п” бандлари билан айбли деб топилсин.

Ж.Кга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “л,п” бандлари билан 17 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2020 йил 19 июлдан бошлаб ҳисобланиб, жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Ж.Кга қўлланилган эҳтиёт чораси аслича - қамоқда қолдирилсин.

С.К Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “л,п” бандлари билан айбли деб топилсин.

С.Кга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “л,п” бандлари билан 15 йил 6 ой, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида жазоларни қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2020 йил 5 августдан бошлаб ҳисобланиб, жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

С.Кга қўлланилган эҳтиёт чораси аслича - қамоқда қолдирилсин.

А.Р Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “л,п” бандлари билан айбли деб топилсин.

А.Рга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “л,п” бандлари билан 15 йил, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида жазоларни қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил 15 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.



Жазони ўташ муддати 2020 йил 5 августдан бошлаб ҳисобланиб, жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

А.Рга қўлланилган эҳтиёт чораси аслича - қамоқда қолдирилсин.

Ашёвий далиллар ҳодиса жойидан олинган 3 дона пичоқ, 2 дона пичоқ кини, 5 дона пиёла ва бакал, бир жуфт туфли, 2 дона чап пой ва 2 жуфт тапочкалар, кўзойнак, суртма, елим идиш ва қон намуналари, Ж.К, С.К, А.Р ва И.Кга тегишли кийим-кечаклар йўқ қилинсин, Ғ.Ғга тегишли футболка, спорт шими ва оёқ кийими қонуний вакили Ж.Ғга қайтарилсин, 3 дона DVD дисклар жиноят ишида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчилар ва қонуний вакил ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

/имзо/

Б.Вахобов

Халқ маслаҳатчилари

/имзо/

С.Кукиева

/имзо/

С.Зайнолобидинова

Ҳукм нусхаси аслига тўғри,  
вилоят суди судьяси

Б.Вахобов

